

MO'NCHOQ TEPA XAZINALARI

Namangan viloyati tarixi va madaniyati davlat muzeyi

Ilmiy xodimi: **M. Mamadaliyeva**

IX-X asrlarda yashagan arab sayёxlari Ibn Xorradbek va Istaхрий tomonidan bitilgan ёзма манбаларда Поп сўзи “Боб” деб тилга олинган бўлиб, бу арабча “Дарвоза” маъносини англатади. 983 йилда ёзилган номаълум муаллиф қаламига мансуб “Худуд-ул олам” (Олам чегаралари) номли китобининг “Мовароуннахр вилояти ва унинг шаҳарлари” деб номланган қисмида “Поб” сўзи ёзилиб, бу ўлка Шимолий Фарғонанинг савдо йўлида жойлашган обод шаҳарларидан бири сифатида таърифланган.

Поп ёзма манбаларда биринчи бўлиб 9-асрда Ibn Xorradbek va X asrning биринчи ярмида Istaхрий tomonidan “Боб” деб тилга олинган. X asrning иккинчи ярмида номаълум муаллиф tomonidan яратилган “Худуд ал-олам” китобида бўлса, “Поб” шаклида ёзилиб, Шимолий Фарғонанинг савдо йўлида жойлашган обод шаҳарларидан бири деган таърифни ўқиймиз, холос. Қадимги ва илк ўрта асрлардаги Поп тўғрисида ёзма манбаларда ҳеч қандай хабар тополмаймиз. Лекин археологик изланишлар Поп шаҳри қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқлашга имкон берди. Маълум бўлишича, Поп шаҳри милоннинг бошларида Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб кетган Ғовасой воҳасининг энг сўлим жойида пайдо бўлган экан.

6-7 асрларга келиб, Поп Ғовасой суғорма деҳқончилик районининг маркази сифатида гуллаб-яшнади. Бу шаҳарнинг жуда оз қисмигина бизгача етибкелган. Арки аъло халқ орасида Баландтепа деб аталади. Ташқи шаҳар ҳудудида фақат некрополь, яъни шаҳар қабристони сақланиб қолган холос. Унинг ҳозирги номи Мунчоқтепа.

Мунчоқтепа аслида ўзаро яқин жойлашган тўртта тепалик бўлиб, 1960-1970 йилларда уларнинг иккинчиси бузиб ташланган, ҳозир ўрни пахтазор. Қолган иккитаси ҳам анчагина шикастланганига қарамай, жуда бой археологик материал

беряпти. Айниқса, Сирдарё ёқалаб жойлашган ярим ой шаклидаги жанубий тепалик (70x25м) археологларни ҳайратда қолдиради.

У ерда қабр сағаналарга дуч келинди. Сағана ичидаги қамиш тобутлар фил суягидек ярқирар эди. Тобутлар орасига сопол идишлар, кўза ва тол новдаларидан жимжимадор қилиб тўқилган ҳар хил саватлар қўйилган. Бу ашёлар шундай яхши сақланган эдики, гўё бу ерда куни кечагина дафн маросими ўтказилганидек таасурот қолдиради. Сағана ичида беш қават қилиб устма-уст қўйилган тобутлар, ҳар бир қатор устига биладек ва ундан йўғонроқ ёғочлардан 5-6 таси кўндалангича териб чиқилган.

Сағанага жами 47 та тобут қўйилган. Улардан 45 таси сараланган қамишлардан ясалган бўлиб, фақат 22 тасинигина сақлаб қолишга муяссар бўлинди. Бу тобутларда ҳар хил ёшдаги эркак ва аёл суяклари қолдиғи бор.

Марҳумлар чалқанча ётқизилган, қўллари ёзиб қўйилган. Кўпгина марҳумларнинг боши остига матодан тикилган ёстиқча ўрнини бир тутам гулчечак эгаллаган. Айрим марҳумларнинг юзига ипак парда ёпилган, яна баъзиларининг оёқлари ипак лента билан бир-бирига боғлаб қўйилган. Бу ҳолатларнинг бари шу ерда яшаб ўтган қадимги Фарғона аҳолисининг расм-русмлари ва диний қарашларидан келиб чиққан.

Марҳумлар тобутга уст-боши, қурол-яроғи, зеб-зийнати, идиш-товоқлари ва асбоб-ускуналари бирга қўйилган. Саватларда озиқ-овқат, қўй ва ҳар хил паранда гўшти, мевалардан шафтоли, ўрик, хурмо, гилос, ёнғоқ, хандон писта ва ер ёнғоқ қолдиқлари учрайди. Топилмалар орасидан пахта кўсаклари ва чаноқлари ҳам чиқдики, бу алоҳида аҳамиятга эга. Кўсақлар кўринишига кўра ҳозирги ипак пахта кўсагини эслатади.

Ашёларга қараб қулолчилик бу ерда яшаб ўтган аҳоли ҳаётида муҳим роль ўйнаганини кўриш мумкин. Минглаб сопол парчаларидан ташқари, ҳудди янгидай

турган 70 дан зиёд идиш-товоқлар шундан далолат беради. Улар кулолчилик чархида ва қўлда ясалган бўлиб, баъзиларига жимжимадор қилиб гул солинган.

Қадимги попликларда тўқимачилик хунармандчиликнинг алоҳида соҳаси сифатида кенг ривожланган. Сағанадан ҳозирча икки хил ипак ва ип матодан тикилган либослар қолдиғи топилди. Ип йиғирув ишлари билан хотин-қизлар шуғулланишган. Бунга аёллар тобутида учраган урчук ва урчук тошлар мисол бўла олади, шаклига кўра улар биз билган урчукларнинг айнан ўзгинаси.

Топилмалар заргарлик буюмлари ва тақинчоқлар ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор беришган, зотан, топилмалар ичида энг кўпи мунчоқлардир, уларни сони ҳозир 10 минг донага етди. Мунчоқлар ярим қимматбаҳо тошлардан, ёғоч, данак, балиқ умуртқаси ва ҳайвон суяқларидан тайёрланган, баъзиларида нақшинкор гуллар солинган. Мунчоқлардан ташқари, темир-бронзадан юксак дид ва маҳорат билан ясалган билакузук, сирға, узуклар ҳам топилди. Яна, сағаналардан аёлларнинг пардоз буюмларидан сурматош, сурмадон, тўғноғич, упа-эллик қутичалари ҳам чиқди.

Ҳозирги тароқлардан фарқ қилмайдиган тароқлар, сочга тақиладиган тақинчоқлар қадимги Поп аёллари ўзларига қанчалик зеб берганини кўрсатади. Узун, қора сочлар учидан бир-бирига урилиб жарангловчи бронза кўнғироқчалар ҳам бўлган. Тақинчоқлар орасида кўзмунчоқларни, улар ичида эса Хинд океанидан келтирилган чиғанокларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Қадим-қадимдан тумор ва кўзмунчоқлар хавфли каслликлардан, “ёмон кўзлар”дан ва бахтсиз ходисалардан сақланиш учун тақиб юрилган. Баъзи тақинчоқлар бахт, омад келтиради деб тушунилган, масалан, феруза тошдан ясалган зеб-зийнатлар ифбатлилик ва софдиллик рамзи деб билинган.

Хунармандчиликда ёғоч, суяк, қамиш кенг миқёсда ишлатилиб, улардан уй-рўзғор буюмлари ясалган. Масалан, топилмалар орасида ҳар хил катталиқдаги нақшли ёғоч идишлар, мураккаб ўқ-ёй, рўзғорда ишлатиладиган курсичалар ва

тарози паллалари бор. Ҳайвоннинг суяк ва шохларидан турли-туман қурол-аслаҳа дасталари, ўқ-ёй қисмлари тайёрланган. Айниқса, жимжимадор нақш билан безатилган пичоқ дастаси диққатга сазовор.

Қадимги попликлар қамиш, қўға ва дарахт наваларини тўқиб буюм ясашга жуда моҳир бўлишган. Масалан, қамишдан тобутлар тайёрланган. Қўғадан ясалган хилма-хил саватлар куни-кеча тўқилгандек ялтираб турибди, улар шундай пишиқ тўқилганки, минг йиллар ўтганига қарамай ҳозир ҳам бирор жойида чокини топиш қийин. Булардан ташқари, қамишдан ясалган кўҳна мусиқа асбоблари ҳам топилди. Шулардан бири қўшнайдир. У ёғочдан ясалган ғилоф ичида жуда яхши ишланган, кўринишига қараганда ҳозирги қўшнайдан деярли фарқ қилмайди. Ғилоф ичида узунлиги бир қарич келадиган бошқа чолғу асбоби ҳам бор. Қадимий чолғу асбобларининг Попдан топилиши Ўзбекистон, қолаверса, Шарқ халқлари мусиқа маданияти тарихида муҳим янгилик бўлиши ва кўҳна чолғу асбобларини тадқиқ этишда янги саҳифалар очиши муқаррар.

Поп сағаналаридан тери ошлаш ва пойбзал тикиш тарихига доир қимматли маълумотлар ҳам тўпланди. Айниқса, чармдан ясалган меш ва пойабзал қолипи диққатга сазовор. 42-43 размерга тўғри келадиган бу қолип ёғочдан тўқиб тайёрланган. Темир буюмлар ичида кўпроқ пичоқ, ханжар, камар тўқаси учрайди, лекин улар жуда ёмон сақланган.

Сизга ҳурматли меҳмонлар (ўқувчилар, талабалар), Поп топилмалари, улар Фарғона халқларининг илк ўрта аср тарихини ёритиши тўғрисида қисқача сўзладик холос. Бу топилмалар Фарғона маданиятининг ўзига хослиги ва қадимий анъаналарга эга эканлигидан далолат беради.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Elizavetin. G. “Pulnoma” Toshkent 1979 yil
2. Pidaev. Sh. “Tangalar davr ko’zgusi” Toshkent 1984yil
3. To’xtaev. I. “Tangalar tilga kirganda” Toshkent 1989yil

4. To'xtiev. I. "Amir Temur va temuriylarning moliya-pul siyosati" Toshkent 2006 yil